

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУГАНИЕВА ДЖАМИЛЯ РУСТАМОВНА

ТИЛ ОТМЛАР ТАЛАБАЛАРИНИ КЕТМА-КЕТ ТАРЖИМАГА
ЎРГАТИШНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy on
Pedagogical Sciences (PhD)**

Абдуганиева Джамиля Рустамовна Тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари	3
Абдуганиева Джамиля Рустамовна Лингводидактические особенности обучения последовательному переводу студентов языковых вузов	27
Abduganieva Djamilya Rustamovna Linguodidactic Features of Teaching Consecutive Interpreting to Students of Linguistic Universities.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	55

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУГАНИЕВА ДЖАМИЛЯ РУСТАМОВНА

ТИЛ ОТМЛАР ТАЛАБАЛАРИНИ КЕТМА-КЕТ ТАРЖИМАГА
ЎРГАТИШНИНГ ЛИНГВОДИДАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2017.3.PhD/Ped243 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (uzswlu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қулмаматов Дўсмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тухтасинов Илхом Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Назарова Мадина Атахановна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси филол.фан.док., профессор

Х.Б.Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.фан.док., доцент

Л.Т.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.фан.док., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши ва миллатлараро муносабатларнинг тобора кенгайиб бориши шароитида оғзаки таржима амалиётига бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Таржима соҳасидаги мутахассисларни касбий тайёрлашда тиллараро ва маданиятлараро алоқани англаш, таржима амалиётини таҳлил қилиш, жанр хусусиятларини фарқлаш, таржима ваколатларини шакллантириш ва ривожлантириш, атамалар доирасини кенгайтириш, таржимадаги аралашувларни таҳлил қилиш, касбий фазилатларни ривожлантириш, таржимадаги хорижий махсус адабиётларга маълумотнома ва изоҳларни аниқлаш, таржимоннинг касбий стандартини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришдан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда таржима сифатини ошириш, касб этикасини ривожлантириш, психофизиологик кўникмалар ҳисобига машқ қилиш, маданиятлараро мулоқот муаммоларини малакали ҳал этиш, аниқ вазиятларда таржима қилишда таржимонларнинг тайёргарлик даражасини ошириш каби вазифалар асосида илмий тадқиқотларни чуқурлаштиришга алоҳида этибор қаратилмоқда. Бу борада таржимонларнинг кетма-кет таржимада рефлексив, коммуникатив, касбий, лингвистик, прагматик ва маданиятлараро мулоқот компетенцияларини шакллантириш, таржима амалиётини таҳлилга тортиш, терминологияни кенгайтириш, лексик, техник, психологик қийинчиликларни аниқлаш, шунингдек таржима жараёнида билингвизм, кўп тилли, коннотация, трансформация, интерференция, эквивалентлик, конвергенция, анализ (тасаввур) ва синтез (гапириш), тиллараро ва маданиятлараро мулоқотни шакллантириш ҳамда жанр ва психолингвистик хусусиятларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларга устуворлик қаратилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, таълим жараёнини илғор жаҳон тажрибаси ва миллий кадриятларимизга мос тарзда ташкил этишда таржимонларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж кучайиб бормоқда. «Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда кетма-кет таржима қилишнинг лингводидактик хусусиятлари, таржимон компетенциясининг ўқув жараёнига нисбатан таркибий ва асосли тавсифлари, ўқитишнинг муаллифлик моделининг умумий, ўзига хос ва педагогик тамойилларини, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш ва ўқитишнинг интерфаол шаклларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Правда Востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 174-сон, 2018 йил 10 октябрдаги «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги ВМҚ 816-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда таржимани ўрганиш ва оғзаки таржимага ўқитиш масалалари И.Ғафуров, Ж.Шарипов, Н.Қамбаров, Ғ.Саломов, О.Мўминов, Э.Муратова, К.Мусаев, И.Тўхтасинов, У.Йўлдошев, Г.Ирмухамедовалар ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган². Чет тилларга ўқитиш методикаси соҳасида Г.Бакиева, Л.Ахмедова, М.Джусупов, Д.Джуманова, Д.Хашимова, М.Ирискулов, Э.Эркаев, М.Назарова, Ф.Абдуллаева, Н.Бабаниязовалар ва бошқа олимлар

²Ғафуров И. Таржимонлик мутахассисликка кириш. – Тошкент, 2008; Шарипов Ж. Бадиий таржималар ва мохир таржимонлар. – Тошкент: Фан, 1978. – 260 б.; Қамбаров Н.М. Таржима трансформацияларнинг лингвокультурологик ва когнитив хусусиятлари (монография). – Тошкент, 2019; Саломов Ғ. Таржима назарияси ва амалиёти. – Тошкент, 1983; Muminov O.A. Guide to Consecutive Translation. – Tashkent: Tafakkur Bo'stoni, 2013.; Muratova E., Makhmudova N. English for Masters. Hot Topics. – Tashkent, 2011.; Мусаев К. Таржима назарияси асослари. – Тошкент 2005.; Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков.: Автореф. дис. ... докт. пед. наук (DSc). – Ташкент, 2018.; Йўлдошев У.Р. Лингвостилистические и лингвокультурологические особенности перевода сатирических текстов (на примере узбекских народных анекдотов, переведенных на английский язык): Автореф. дис. ...док. филос. (PhD) по филол. наук. – Т., 2017. – 27с.; Ирмухамедова Г.Н. Лингводидактические основы обучения критическому чтению аутентичных текстов (на старших курсах экономических вузов): Автореф. дис. канд. пед. наук. – Т., 2008. – 42 с.

томонидан тадқиқотлар олиб борилган³.

МДХда бўлажак таржимонларни тайёрлаш масалалари Е.Аликина, Н.Гавриленко, А.Гребенщикова, Л.Бархударов, В.Комиссаровлар каби олимлар томонидан ўрганилган⁴.

Европа мамлакатларида кетма-кет таржимага ўқитиш методикаси бўйича J.Catford, E.Nida, J.Richards, C.Brinklex, S.Colina, D.Gile каби олимлар шуғулланишган⁵.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар» илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятларини аниқлаш ҳамда она тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан она тилига кетма-кет таржимани ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таржимонлик жараёнига оид ёндашувларни ўрганиш ҳамда таржима

³Bakieva G.Kh., Tukhtasinov I.M. Expressing Stylistic devices in Compound Words // Eastern European Scientific Journal. –Ausbage, 3-2018. – P. 49-5; Ахмедова Л.Т. Личностно – ориентированный подход к современному обучению и воспитанию студентов высших учебных заведений // Conf. Fledu.uz.; Джусупов М. Русский и английский языки в системе школьного полилингвального образования в Узбекистане // Русский язык за рубежом / специальный выпуск / 2017. С. 50-57; Джуманова Д.Р. Фонологическая модель слова в условиях языкового контактирования: Дис. докт. фил.наук. – Ташкент, 2016. – 266 с.; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.; Ирискулов М.Т. Чет тилларнинг ўқитишда CEFR ўрни // Узлуксиз таълим. 2016. – № 1. – Б. 77-83; Эркаев Э.Т. Чет тил ўргатишда таржима машқлари. – Ташкент, 2008. – Б. 78; Назарова М.А. Совершенствование обучения студентов лексической полисемии при чтении текстов на английском языке. Автореф. дис. ...докт. филос. (PhD) по пед. наукам. – Т., 2018.– 25 б.; Абдуллаева Ф.С. Юридик терминларни ўқитишнинг лингводидактик асосларини такомиллаштириш. Автореф. дис. ...докт. филос. (PhD) по пед. наукам. – Т., 2018.– 26 б.; Бабаниязова Н.П. Модульная технология обучения глагольной лексике английского языка учащихся уровня В1 Республики Каракалпакстан. Автореф. дис. ...докт. филос. (PhD) по пед. наукам. – Т., 2018. – 51с.

⁴Аликина Е.В. Переводческая семантография. Запись при устном переводе. –М.: Восток-Запад, 2006. – 159 с.; Гавриленко Н.Н. Теоретические и методические основы подготовки переводчиков научно-технических текстов. Монография. – М.: Рос. ун-т дружбы народов, 2004. – 268 с.; Гребенщикова А.В. Формирование профессиональной компетентности будущих переводчиков средствами информационно-коммуникационных технологий.: Дис. ... канд. пед. наук. – Челябинск, 2005. – 179 с.; Бархударов Л.С. Общетеоретическое значение теории перевода. Теория и практика перевода. М.: УРСС, 2008. – 240 с.; Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. М.: ЭТС, 2000. – 192 с.

⁵Catford J.C. Linguistic Theory of Translation Oxford Univ. Press. 1965, 1;20 в презентации Arianne Des Rochers, Seminaire Langue et Traduction, 2013. – 230 p. в Maria Calzada Perez Apropos of Ideology: Translation Studies on Ideology. Routlrdge. 2014; Nida, E.A. The Theories of Translation. The Anchor Bible Dictionary. New York, 2000, vol. 6, pp. 512-515.; Richards J., Renandya W. Methodology in Language Teaching: an Anthology of Current Practice. –London: Cambridge University Press, 2005. 422 p.; Brinklex C. Mark. Tranlator’s fears. Disrup. Vital lines of communication. Army Times. 8. December. 2004. – 160 p.; ColinaS. Teaching Translation to Undergraduates: What errors reveal // Translation. Revue Trimestrielle de la FIT. – Série XVI. – Sint-Amandberg: FIT, 2007. – P. 245–257; Gile D. Opening Up in Interpretation Studies // Translation Studies: An interdiscipline. Amsterdam; Philadelphia, 1994/2004.P. 149-158.

жараёнидаги даражалар орқали кетма-кет ва синхрон таржима хусусиятларини қиёслаш;

кетма-кет таржимон компетенцияларини ўрганиш воситасида кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятларини аниқлаш;

кетма-кет таржиманинг психолингвистик хусусиятларини аниқлаш ва талабаларнинг зарурий психофизиологик кўникмаларини белгилаш;

кетма-кет таржима жараёнининг ҳар бир босқичида таржимон бошидан кечираётган қийинчиликларни аниқлаш;

кетма-кет таржимага ўқитишда матнларнинг лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни танлаш мезонларини аниқлаш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, уларни ўтказиш, тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва тил олий таълим муассасалари талабаларини кетма-кет таржимага ўргатиш методикасини (услугиётини) такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўқитиш жараёни олинган, тажриба-экспериментал ишларга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Таржима назарияси ва амалиёти” йўналиши бўйича 222 нафар талаба жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

синхрон ва кетма-кет таржиманинг умумий, фарқли (таснифи, вақт интервали, жиҳозланиш, таржимонлик фаолияти, хатти-ҳаракат, коммуникация) ва ўхшаш (шакл, ўзлаштириш, таққослаш, реал коммуникация, кўникмалар умумийлиги) хусусиятлари таржима сифатини баҳолаш даражалари (микро, мезо ва макро даражалари) орқали аниқланган;

кетма-кет таржимага ўқитишнинг ўзига хос лингводидактик хусусиятлари (прагматик, лексик-семантик, коммуникатив, психофизиологик, социо-маданий, техник) талабаларнинг психофизиологик маълумотларини (нутқнинг баландлиги ва аниқлиги, стрессли вазиятларга бардошлиги, асосий ибораларнинг оператив хотирада сақлаш ва бошқалар) ривожлантириш орқали аниқланган;

нутқ кўникмаларининг лингвистик, психологик ва техник қийинчиликлари вазиятли омиллар бўйича кетма-кет (бошланғич, калитли, ўтиш, синтез, якуний) таржиманинг босқичлари орқали аниқланган;

она тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан она тилига икки томонлама кетма-кет таржимани ўқитиш методикаси мақсадли махсус матнларни танлаш ҳамда вазиятли таҳлил методи асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кетма-кет таржимоннинг психофизиологик хусусиятлари асосида кетма-кет таржимага йўналтирилган мазмундаги машқлар мажмуи ҳамда махсус матнларни танлаш мезонлари такомиллаштирилган;

таржимонлар учун кетма-кет таржима мазмунидаги тренинг машғулоти даражаси яратилган;

гид-таржимонларни кетма-кет таржимага ўргатишнинг методик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ва бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот усуллари кўлланилганлиги ҳамда тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таржима жараёнидаги ёндашувлар ва кетма-кет таржима фаолиятининг психолингвистик хусусиятлари, кетма-кет таржима фаолиятини ўқитишда матнларнинг лингвистик хусусиятларини танлаш мезонлари ҳамда кетма-кет таржимоннинг компетенцияларини такомиллаштириш бўйича хулосалар, таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқотда ишлаб чиқилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан олий таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таржимонлар учун кетма-кет таржима мазмунидаги тренинг машғулоти, гид-таржимонларни кетма-кет таржимага ўргатишнинг методик таъминоти ҳамда машқлар тизимидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

синхрон ва кетма-кет таржиманинг умумий, фарқли ва ўхшаш хусусиятлари бўйича илмий янгиликлардан Олимпия Шон-шуҳрат музейи гид-таржимонлар учун кетма-кет таржима мазмунидаги тренинг махсус материалларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 6 июлдаги 02-07-08-1926-сон маълумотномаси). Натижада, таржимонлар учун кетма-кет таржима мазмунига доир тренинг машғулоти ишланмаси ишлаб чиқилиб, микро, мезо ва макро даражада таржима сифатини янада аниқ баҳолаш ва

кетма-кет таржиманинг сифатини ошириш имконияти яратилган;

талабаларнинг психофизиологик маълумотларини ривожлантириш орқали аниқланган кетма-кет таржимага ўқитишнинг ўзига хос лингводидактик хусусиятларидан А-1-209 рақамли “Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги (инглиз тили) бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-инглизча-русча лингвистик терминлар луғатини тузиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 ноябрдаги 89-03-4459-сон маълумотномаси). Натижада, кетма-кет таржима жараёнининг босқичлари такомиллашуви асосида таржима сифатини ошириш ва уни баҳолаш имкониятлари кенгайтирилган;

кетма-кет таржиманинг босқичлари орқали аниқланган нутқ кўникмаларининг лингвистик, психологик ва техник қийинчиликлари вазиятли омилларга оид материаллар 6.1.Таржима қилиш ва ўқитишнинг замонавий тенденциялари модулини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 2020 йил 8 июндаги 10-05/65-сон маълумотномаси). Натижада педагогик кадрларнинг малакасини ошириш курслари машғулотлари мазмунан бойитилган;

мақсадли махсус матнларни танлаш ва вазиятли таҳлил методи асосида такомиллаштирилган она тилидан инглиз тилига ва инглиз тилидан она тилига икки томонлама кетма-кет таржимани ўқитиш методикаси бўйича таклифлардан Туризм бўйича давлат қўмитаси тизимидаги гид-таржимонлар ва экскурсоводлар касбий фаолиятини методик таъминлаш материалларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 11 октябрдаги 02-22/7465-сон маълумотномаси). Натижада гид-таржимонларни кетма-кет таржимага ўқитишнинг методик таъминоти бойитилган ҳамда гид-таржимонлар ва экскурсоводлар касбий фаолияти натижадорлигини ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долбзарлиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлиги даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилишига доир маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимонлик фаолиятига ўқитишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида таржимани талқин қилишга оид турли ёндашувлар, кетма-кет таржимонлик фаолиятига (КТФ) ўқитиш учун матнларнинг лингвистик хусусиятлари, кетма-кет таржимоннинг компетентлиги масалалари ва кетма-кет таржимон компетенцияларини ривожлантиришнинг лингводидактик асослари ҳамда КТФнинг психолингвистик хусусиятлари ёритилган.

Таржима – бу мураккаб, комплекс, кўпқиррали ва ҳар томонлама фаолият бўлиб, унинг жараёнида фақатгина бир тилни бошқаси билан алмаштириш содир бўлмайди. “Таржима” тушунчаси маъносини тўлиқ тушуниш учун турли муаллифлар (О.Мўминов, И.Тўхтасинов, В.Комиссаров, Р.Якобсон, О.Каде, А.Oettinger, E.Gentzler) томонидан таклиф қилинган таржима таърифлари ўрганилди⁶.

Таржима дефинициялари кўп ҳолларда таржимашунослик ривожини мантиғини фақат тил белгилари ўртасидаги муносабатлар ётадиган анча оддий таърифлардан марказий тушунчаси матн ҳисобланадиган таърифларгача; таржимани соф тил операциясига келтирадиган таърифлардан кўриб чиқишга предметли ва коммуникатив вазиятларни киритувчи таърифларгача; таржимани битта ўлчамда қараб чиқадиган таърифлардан мазкур жараённинг кўпўлчамлигини англашга яқинлашаётган таърифларгача акс эттиради.

Шу билан бирга дефинициялардан кўпи соддалаштирилган характерга эга. Аслида “таржима” тушунчаси ҳодисаларнинг ниҳоятда кенг спектрини қамраб олади. Бундан келиб чиқадикки, бу атамани аниқроқ талқин қилиш учун таржима турлари таснифини эътибор олиш зарур бўлади.

⁶Muminov O.A. Guide to Consecutive Translation,–Tashkent: «Tafakkur Bo’stoni», 2013; Тухтасинов И.М. Развитие профессиональной компетенции на основе эквивалентности при подготовке переводчиков. Автореф. дисс... доктора педагогических наук (DSc). – Ташкент, 2018.; Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. Курс лекций. – М.: ЭТС, 2000. - 192 с.; Якобсон Р. О лингвистических аспектах перевода (Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике). – М., 1978. – С. 216-220 в статье: Каде О. К основным положениям теории осмысления перевода как человеческой деятельности // Теория перевода и научные основы подготовки переводчиков //Матер. Всесоюз. науч. конф. М.: Изд-во МГПИИЯ им. М. Топеза, 2000. Ч. 1. С. 354; Oettinger, A.G. Automatic language translation, Cambridge, 1960 в Sergei Nirenburg, Readings in Machine Translation, Massachusetts Institute of Technology, 2003; Gentzler, Edwin (2001). Contemporary Translation Theories. 2nd Ed. London & New York: Routledge.

Бизнинг назаримизда, матннинг барча турларига ва матн намуналарида қўлланиладиган ҳамда ундан таржима пайтида юзага чиқадиган ҳар қандай вазифани бажаришда фойдаланиб бўладиган бошланғич матн турларининг таснифи зарур. Бундай тасниф матнли машқлардан фойдаланиш билан КТга ўргатишда таржимонларга бошланғич матннинг мазмуни ва тузилишида кузатиладиган элементлар ёки белгилар функциясини тушунишга имкон бериши керак.

Мазкур функционал концепция негизида қайсики устида ишлаётган аниқ таржима учун белгиланган, мақсадга мос тушадиган таржима стратегияларини танлашлари мумкин. Шунингдек, тасниф асосида, бундай матнларни танлаш моделини ишлаб чиқиш воситасида КТга ўргатиш учун матнларни танлаш мезонларини аниқлаб олиш лозим бўлади. Айтиш керак, оғзаки нутқ тавсифлари ва хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак, чунки КТ бевосита оғзаки коммуникация акти ҳисобланади. Оғзаки нутқнинг кейинги тавсифлари кетма-кет таржимонда ривожланган бўлиши керак бўлган психофизиологик кўникмалар (оғзаки нутқни эшитиб, аниқ қабул қила олиш қобилияти) билан чамбарчас боғлиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган компетенциялар ривожининг лингводидактик асослари, айнан эса лингводидактиканинг чет тилидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ бўлган фаолият сифатида, КТга ўргатишдаги роли таърифлаб берилди. И.Халеева лингводидактикани “таълим, ўқитиш, ўргатишнинг мазмуний компонентларини уларнинг тил табиати ҳамда негизида индивидларнинг ижтимоий алоқадорлик механизмлари ётувчи нутқий асарларнинг моҳиятини детерминация қилувчи ижтимоий феномен сифатидаги мулоқот табиати билан узилмас алоқасида асослаб берадиган” методик фаннинг ўзига хос тармоғи деб ҳисоблайди⁷.

Лингводидактика нуқтаи назаридан, аввало, талабаларнинг бошланғич қобилиятларини баҳолаш зарур, сўнгра эса уларда ҳам тилларни (хорижий ва она) ўрганиш, ҳам таржима соҳасидаги кўникмаларини ривожлантириш зарур.

ИТКТга ўқитишда мазкур жараённинг оғзаки таржима жараёнининг кўпрежали ва мураккаблигини акс эттирувчи лингводидактик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Тадқиқот жараёнида диссертант томонидан тил ОТМлари юқори курслари талабаларини КТга ўргатишнинг маълум лингводидактик хусусиятлари аниқланди. Булар: лексик-семантик, прагматик, коммуникатив, психофизиологик, социомаданий, муаммоли-фаолиятли, техник хусусиятлар бўлиб, улардан ҳар бири ўз мазмунига эга. Жумладан, лексик-семантик хусусиятлар шундан иборатки, талабалар ҳаётнинг турли соҳаларидаги зарур терминологияга ўргатилади, бундан сўнгра улар мустақил равишда ҳар бир алоҳида вазиятда зарур бўладиган глоссарийларни туза оладилар. Ўқитувчининг мақсади – таржима сифатини ошириш учун, талабаларни бошланғич мулоҳазанинг асосий маъносини

⁷Халеева И.И. Основы теории обучения пониманию иноязычной речи (подготовка переводчиков): Моногр. – М.: Высшая школа, 1989/2001. – 238 с.

ташувчи сўз ва ибораларни аниқлашга ўргатишдан иборат, чунки таржимон сўзларни эмас, балки маънони таржима қилади. Шунингдек, ўқитувчи талабаларни лексик бирликлар, нутқий шаклларни тўғри талқин қилишга ўргатиши лозим, сўнгра эса, она тилида сўзнинг эквивалентни тўғри танлашга, ёки она тилида аналогга эга бўлмаган сўзлар ва ибораларнинг таржимасини тўғри танлашга ўргатиши керак – чекланган вақтда идиоматик нутқни таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш лозим. Прагматик хусусиятлар таржима реципиентида зарурий фон билимларининг мавжуд эмаслиги билан шартланади, бу таржима матнига мос тушадиган қўшимчалар ва тушунтиришларни киритиш заруриятини келтириб чиқаради (оригинал матнда реалаялар мавжуд бўлганида) ҳамда прагматик контекстга адекват равишда нутқий хабарларни қабул қилиш ва ярата олиш қобилиятини машқ қилишга, матнли ахборотни идрок қилиш ва ташкил қилиш усулларига эгалликни қайта ишлаш, тилдаги жанр-структур элементларни бошқара олиш малакасини машқ қилишга, таржима рецептори томонидан бошланғич хабарни тушунишини таъминлашга қаратилган. Коммуникатив хусусиятлар нутқий мулоҳазалардан, уларнинг тўлиқ мазмуни ёки маъноси ҳақида фон билимлари асосида тўғри хулосаларни шакллантириш кўникмаси ва малакаларига эга бўлишдан иборат.

Шунингдек, кетма-кет таржимоннинг тилга оид, коммуникатив, дискурсив, техник, ахборотли, рефлексив компетенциялари таърифланган. Шунингдек, таржимонлик деонтологиясини таркиб топтирувчи таржимонлик этикасининг жиҳатлари ўрганилган. Олиб борилган илмий адабиётларни ўрганиш натижасида КТФнинг психолингвистик хусусиятлари ва механизмларининг тавсифи аниқланди. Кетма-кет таржимада (КТ) таржимоннинг хотираси ғоят катта роль ўйнаши аниқланди.

Л.С.Бархударовнинг таърифига мувофиқ, оғзаки таржима – бу таржиманинг бир тури бўлиб, унда оригинал (асл нусха) ва унинг таржимаси қайд қилинмаган шаклда чиқади, яъни оригинал парчаларини таржимон томонидан бир марта (такрорсиз) ўзлаштирилишини ҳамда таржима бажарилгандан кейин уни таққослаш ёки тузатиш мумкин эмаслигини олдиндан белгилаб кўяди⁸. Шу тариқа, оғзаки таржима жараёнининг муваффақиятли ўтишининг энг муҳим механизми, кафолати хотира ҳисобланади. Бунда В.И.Ермоловичнинг таснифига мос ҳолда, хотира идрок қилиш ва англаш билан бир қаторда оғзаки таржима жараёнини таъминлайдиган умумпсихологик механизмларга мансубдир⁹.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикасида тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимонлик фаолиятига ўқитишнинг замонавий ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқ қилинаётган муаммо доирасида Давлат таълим стандарти, ўқув дастурлари ва

⁸Бархударов Л.С. Общетеоретическое значение теории перевода. Теория и практика перевода. – М.: УРСС, 2008. – 240 с.

⁹ Ермолович В.И. Проблемы изучения психологических аспектов перевода // Тетради переводчика. – 1999.- В.24. – С. 50. в дисс. Кулеминой К.В. Эквивалентность и адекватность в переводах поэтических текстов.– Пятигорск, 2006.

дарсликлари, тил ОТМлари талабаларини КТга ўқитиш тажрибаси, тил ОТМлари талабаларининг КТ малакаларига эга бўлиш даражаси таҳлил қилинган ҳамда тил ОТМлари талабаларини КТга ўқитишда ва КТга ўқитиш учун машқлар тизимини такомиллаштиришда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш ҳам тавсифлаб берилган.

5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) йўналиши бўйича Давлат таълим стандарти (ДТС) (таълим йўналишининг малакавий талаблари) таълимда бакалавр даражасини олиш учун умумий талаблар ҳақида ахборотни киритади. Улар бакалаврга бўлган умумий аслида таржимонлик фаолиятида малакавий талаб, таржима ва ўқитиш соҳасидаги профессионализм соҳаси ва ташкилий-бошқарув фаолиятидаги ҳамда илмий-тадқиқот ишидаги талаблардан иборатдир.

5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти йўналиши учун КТ бўйича ўқув дастурида КТ соҳасида назарий билимлар ва амалий кўникмаларни олишга урғу берилган, шунингдек, унда кетма-кет таржимоннинг мажбурий (шартли) бўлган компетенциялари ҳисобланадиган бой лексикон ва фон (асосий) билимларни ривожлантириш режалаштирилган.

“Таржима амалиёти (инглиз тили)” мутахассислиги бўйича ўқув дастурларини, кетма-кет таржима курсини ҳамда дарсликлар ва амалий материалларни таҳлил қилиш натижаларида психофизиологик маълумотларни машқ қилишга, визуализация ва фикрлаш усулларини (образларни, шаклларни) яратишга оид машқлар ҳамда таржиманинг реал ҳолатларида КТни машқ қилишга оид машқлар мавжуд эмас; дарсликлар профессионал таржимон учун зарур бўлган компетенцияларга тўлақонли жавоб бермайди, ўқитувчи томонидан индивидуал тарзда кўшимча киритишни талаб қилади; машқлар тизимлаштирилмаган ҳамда, асосан, лексика ва техник кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ОТМдаги таржима назарияси ва амалиётини ўрганувчи талабаларга КТни ўқитишга оид объектив тасвирни олиш мақсадида тадқиқоти доирасида муаллиф томонидан изланиш даври босқичида ЎзДЖТУ, СамДЧТИ, Бердах номидаги ҚорДУда 2017-2018 йилларда анкета сўровнома ва унинг сифат жиҳатидан таҳлили ўтказилди.

КТни ўқитишда асосий эътибор фақат қайдларни юритишга қаратилади, ўқитиш дастурлари эса бу борада таклиф қилинаётган таълим жараёнига тизимли раҳбарлик қилиш даражаси жиҳатидан фарқ қилинади. Бироқ, хотирани ривожлантириш учун (қайдларни юргизмасдан) мўлжалланган оғзаки таржима бўйича машқлар тез ёзув тизимини яратишдан олдинроқ қўлланилиши лозим.

Талабаларда психофизиологик белгиларни (стрессга чидамлилик, нутқнинг баландлиги ва раволиги, яхши хотира, нутқни эшитиб аниқ идрок қилиш) ривожлантиришга оид машқлар тўғрисидаги саволга ўқитувчилар талабалар билан бундай машқларни ҳеч қачон қилмаганликлари ва бу компетенцияни муҳим деб қарамаганликлари деб жавоб беришди. Бунда

ўқитувчилар реакция тренировкасига оид машқларни қилиш зарурлигини таъкидлашди, аммо стрессга чидамликни тренировкасига оид машқларни қилмадилар.

Тадқиқотда 2018/2019 ўқув йилида муаллиф томонидан ўтказган тажрибадан олдинги қайд қилувчи кесимдаги натижалар баён қилинади. Унда олий ўқув юртларининг “Таржима назарияси ва амалиёти” факультетидаги 3-4 курсларнинг 222 та талабаси, айнан эса Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан (99 нафар), Самарқанд давлат чет тиллари институтидан (84 нафар), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидан (39 нафар) иштирок этди.

Таржимонлик компетентлигининг шаклланганлик даражаси талабалар томонидан бажарилган ёзма ва оғзаки тестлар асосида баҳоланди, улар таржимашунослик соҳасига оид назарий ва амалий топшириқлардан иборат бўлиб, талабаларнинг назарий, лексик билимлари, концентрацияси даражаси ва реал ҳолатларга яқинлаштирилган шароитларда ишлай олиш қобилиятини текширади.

Тажрибадан олдинги таъкидловчи кесимдан ташқари 3-4 курс талабалари орасида анкета сўрови ўтказилди. Талабалар орасида анкета сўрови КТга ўқитишнинг объектив, реал вазиятини аниқлаш, талабалар университетларда оладиган билимлар даражасини аниқлаш, реал ҳолатларга яқинлаштирилган шароитларда кетма-кет таржимага ўқитиш (РХЯШ КТЎ) технологиясини қўллаш, КТга ўқитишда билишга талаб даражаси ва меъёрини аниқлаш мақсадида ўтказилди (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Талабалар орасида анкеталаш

Савол №	Ҳар доим (ха)	Тез-тез	Камдан кам	Ҳеч қачон (йўқ)
1. Сиз кетма-кет таржимадан (КТ) тез-тез амалиётда фойдаланасизми?	45	88	71	18
2. КТни бажаришда ўзингизни дадил ҳис қиласизми?	45	62	81	34
3. КТнинг хусусиятлари ҳақида биласизми?	53	63	65	41
4. “Таржимонлик компетенцияси” нималигини биласизми.	79	52	44	47
5. КТга ўқитишда ўқитувчилар фойдаланаётган материаллардан мамнунмисиз?	89	59	43	31
6. КТга ўқитишда ўқитувчилар компьютерли қурилмалардан тез-тез фойдаланишадими?	72	84	37	29
7. Сиз амалиётчи таржимонларни тез-тез учратасизми?	38	69	72	43
8. КТни амалга оширишда асабийлашасизми?	38	47	72	65
9. Сиз ўзингизнинг КТнгиздан мамнунмисиз?	59	57	68	38
10. Сиз КТни мураккаб деб ҳисоблайсизми?	62	60	59	41

Қуйида тажрибадан олдинги қайд қилувчи (таъкидловчи) кесимнинг топшириқлар бўйича натижалари (яқунлари) келтирилган: рақамли

маълумотлар йиғма жадвалда фоизларда келтирилган, бажаришнинг баёни ва хатоларнинг пайдо бўлиш сабаблари кўрсатилган. Талабанинг ҳар бир алоҳида олинган мезон бўйича муваффақиятлилик кўрсаткичи қуйидагича формула бўйича аниқланди:

$$K = \frac{N}{S} \times 100\%$$

Бу ерда: **N** – (но)тўғри жавоб берган талабаларнинг амалдаги сони;

S – қайд қилувчи (таъкидловчи) кесимда иштирок этган талабаларнинг умумий сони.

Талабанинг барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятлилик кўрсаткичи қуйидагича аниқланди:

$$K = \frac{N_1 + N_2 + N_3 + N_4 + \dots + N_n}{S \times V} \times 100\%$$

Бу ерда: **N₁+N₂+...+N_n** – барча бирга олинган мезонлар бўйича (но)тўғри жавоб берган талабаларнинг амалдаги (фактик) сони;

S – қайд қилувчи (таъкидловчи) кесимда иштирок этган талабаларнинг умумий сони;

V – мезонларнинг умумий сони.

Тажрибадан олдинги кесим натижаларининг миқдорий таҳлили қуйида келтирилган (2-3-жадвалларга қаранг):

2-жадвал.

3-курс талабаларининг тажрибадан олдинги кесим натижалари

Топширик	Талабаларнинг умумий сони 111			
	Тўғри жавоб берганлар		Нотўғри жавоб берганлар	
А бўлими – назарий топшириқлар	242	54,5%	202	45,5%
Б бўлими – таржима трансформациясининг тўғри турини аниқлаш	282	36,3%	495	63,7%
В бўлими – зарурий лексикани етарли даражада эгаллаш	225	50,7%	219	49,3%
Г бўлими – оғзаки топшириқ (кетма-кет таржима қила олиш кўникмаси)	159	28,6%	396	71,4%

3-жадвал.

4-курс талабаларининг тажрибадан олдинги кесим натижалари

Топширик	Талабаларнинг умумий сони 111			
	Тўғри жавоб берганлар		Нотўғри жавоб берганлар	
А бўлими – назарий топшириқлар	230	51,8%	214	48,2%
Б бўлими – таржима трансформациясининг тўғри турини аниқлаш	340	51%	326	49%

В бўлими – зарурий лексикани етарли даражада эгаллаш	230	41,4%	325	58,6%
Г бўлими – оғзаки топшириқ (кетма-кет таржима қила олиш кўникмаси)	180	32,4%	375	67,6%

Олинган натижалар реал ҳолатларга яқинлаштирилган шароитларда КТга ўқитиш технологиясини жорий қилиш зарурлигини ҳамда талабаларда нутқ ва товушни қўйиш, хотира ва визуализация кўникмаларини ривожлантириш каби психофизиологик кўрсаткичларни ривожлантириш кераклигини кўрсатди. Бундан ташқари, талабаларнинг ўқитиш жараёнидаги роли ва иштирокини ошириш зарур, чунки бу мустақиллик ва реал ишга тайёр эканлик даражасини оширишга имкон диссертант томонидан беради.

Тадқиқотда АКТнинг КТга ўқитишдаги роли ўрганилди, оғзаки таржима ва асли КТ мутахассисларини тайёрлашда интернет-технологияларидан (ИТ) фойдаланишнинг зарурияти асослаб берилди. КТга ўқитиш учун Интернетдаги аутентик матнлардан (янгилик хабарлари матнлари, жамоат олдидаги нутқлар ва маърузаларнинг матнлари) фойдаланиш лозим. АКТдан фойдаланиш кўникмалари ва уларни ўз фаолиятида қўллай олиш таржимонлик компетентлигининг узвий таркибий қисми ҳисобланади, айнан эса оғзаки таржимоннинг ахборотли компетенциясига киради.

Шунингдек, АКТдан фойдаланиш КТ тренировкеси учун машқларни тайёрлаш ва бажариш учун зарур, чунки ўқитувчилар турли тоифадаги аутентик матнларни, зарур бўлган товушли ёзувларни излаш учун Интернет-ресурсларидан (тадқиқотда келтирилган ёки мустақил равишда топилган) фойдаланишлари зарур, айти пайтда, талабалар онлайн-луғатлардан, глоссарийлардан ва мустақил тренировка учун ресурслардан фойдаланишлари лозим.

Таъкидлаш жоизки, диссертант томонидан машқларнинг мукамаллаштирилган мажмуи (комплекси) ишлаб чиқилган ушбу мажмуа КТнинг маълум босқичларида вужудга келадиган бир қатор қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда тузилган эди (4-жадвалга қаранг):

4-жадвал.

КТ пайтидаги қийинчиликлар типологияси

КТ чоғидаги (пайтидаги) қийинчиликлар типологияси		
Лингвистик	Техник	Психологик
<ul style="list-style-type: none"> • қўшма гаплар • аббревиатуралар • нутқий фигуралар • таржима қилинмаслик • прецизион лексика • специфик (ўзига) 	<ul style="list-style-type: none"> • КТга тайёргарликнинг зарурлиги • Тематика (мавзулар мажмуи) билан танишиш • Сўзловчи нутқининг 	<ul style="list-style-type: none"> • Аудитория олдидаги хаяжон • Масъулиятнинг юқорилиги • Стрессга чидамлик • Нотиқ шахси • Прогнозлаштириш (ташхислаш, прогноз)

хос) лексика	хусусиятлари (темп, тембр, интонация (оҳанг), баландлик, сўзлашув тарзи (усули, йўсини), тана тили) • Тез ёзув (содда ёзув)	қўйиш) • хотира
--------------	---	--------------------

Тадқиқот жараенида қийинчиликлар вазиятли омиллар бўйича, қуйида таърифлаб берилган кетма-кет таржима босқичлари орқали аниқланган (5-жадвалга қаранг):

5-жадвал.

Кетма-кет таржима босқичлари

Кетма-кет таржима босқичлари	Кетма-кет таржима босқичларининг мазмуни	Нутқий қўникмалар (малакалар) билан боғлиқ қийинчиликлар
Бошланғич босқич	Тинглаб тушуниш, аудирлаш (таҳлил босқичи). Мазкур босқичда таржимон оригинал (асл нусха) матнида кодланган ахборотнинг бутун мажмуи билан танишади	Лингвистик – қўшма гаплар; таржимонга нотаниш аббревиатуралар (қисқартмалар); нутқий фигуралар; Техник – таржимон нотикнинг нутқи тематикаси (мавзуси) бўйича тайёр эмас (атамаларнинг луғавий захирасига эга эмас); Психологик – стресс ҳолати; масъулиятнинг юқори (оширилган) даражаси
Калитли босқич	Девербализация босқичи (таҳлил босқичи). Дастлабки матн мазмунининг маъно жиҳатидан (маъноли) қайта ишланиши содир бўлади. Мазкур босқичда таржимон дастлабки матнни таркиб топтирувчи сўзлар учун эквивалентларни танлаб олибгина қолмай, балки таржима матнида оригинал (асл нусха) маъносини адекват ифодалаб берувчи матнни яратиши ҳам керак бўлади	Лингвистик – таржимон аббревиатураларни, нотаниш нутқий фигураларни расшифровка қила олмайди; прецизион ахборот қайд қилинмаган, ва бунинг оқибатида қайта ишлана олинмайди => маъноси нотўлиқ ҳажмда берилади; Психологик – стресс ҳолати лингвистик қийинчиликлар туфайли кучайиб кетади => бўлажак таржима матнининг сифати ёмонлашади
Ўтиш босқичи	Ўзгариш босқичи (code-switching, трансляция босқичи). Ушбу босқич кузатилмайдигандир ва онгли кучланишни талаб қилмайди. Бу босқични ўтиш пайтидан бошлаб ахборот ёйила бошлайди	Лингвистик – бўлажак таржима матнини лексик/грамматик шакллантиришдаги қийинчиликлар

<p>Синтез босқичи</p>	<p>Ревербализация (ревербаллаш) босқичи. Таржимон барча идрок қилинган (ўзлаштириб олинган) ва сақланган ахборотни синтактик, лексик, морфологик, фонетик ва таржима қилинаётган тилнинг бошқа формаларига (шаклларига) тубдан ўзгартиради</p>	<p>Лингвистик – барча ўзлаштириб (қабул қилиб) олинган ва сақланган ахборотни таржима тилидаги ҳар хил шаклларга ўзгартиришга оид қийинчиликлар; Техник – таржимон тез ёзувдаги ёзувларни (қайдларни) ўқий олмайди. Психологик – стрессга чидамлилиқ даражаси етарли бўлмагани туфайли, таржимон тингловчилар олдида чиқиш қила олмайди</p>
<p>Яқунловчи босқич</p>	<p>Яқуний (охирги) матнга овоз бериш (яқуний матни овозли қилиш). Мазкур босқичда фақат битта нарса муҳимки, таржимон хатосиз, иккиланишсиз ва тўхтамасдан ўзига тегишли бўлган (ўз қўли билан ёзган) қайдлардан барча мумкин бўлган ахборотни ўқиб чиқа олиши керак ҳамда эшитилган матн парчаси мазмунидаги бошқа элементларни эслай олиши лозим</p>	<p>Мазкур босқичда қийинчиликларнинг барча турлари намоён бўлади. Таржимон томонидан ҳар бир олдинги босқичда сезилаётган қийинчиликлар натижасида, таржиманинг сифати пасаяди</p>

Диссертациянинг “**Тил ОТМлар талабаларини кетма-кет таржимага ўқитиш методикаси**” деб номланган учинчи бобида тажрибавий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгилаб берилган, ўргатувчи тажрибани ўтказиш методикаси очиб берилган ва унинг натижалари тавсифланган, КТФга ўқитиш бўйича муаллифлик тавсиялари таклиф қилинган ҳамда КТФга ўқитишнинг лингводидактик хусусиятлари баён қилинган.

Тажриба текшируви 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (99 нафар), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети (39 нафар), Самарқанд давлат чет тиллар институтининг (84 нафар) базасида №2120200 - “Таржима назарияси ва амалиёти” мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар гуруҳида ўтказилди. Тажрибада 249 киши иштирок этди: 222 талаба (тажриба ва назорат гуруҳлари иштирокчилари), шунингдек, “Таржима назарияси ва амалиёти” фани бўйича, тил тайёргарлиги доирасида талабаларни айнан КТ йўналиши бўйича профессионал тайёрловчи 27 нафар юқоридаги олий таълим муассасалари ўқитувчилари.

Тажрибани ўтказилиши тўртта босқични назарда тутган.

Биринчи босқич – тайёрлов (изланиш) босқичи (2017 й.) – мазкур босқичда биз, умуман оғзаки таржима ва хусусан, КТ соҳасида мавжуд бўлган қонуниятлар ва муаммолар ҳақида маълумот олиш мақсадида, тадқиқот мавзусига доир илмий адабиётларни ўргандик ва таҳлил қилдик.

